

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 182 (9.985)

2003 ЙИЛ 16 СЕНТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида «Мустақиллик — халқимизнинг азалий орзусидир» ва «Обод маҳаллада соғлом инсонлар яшайди» мавзуларида ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Шайхонтоҳур туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги «Кўкча» маҳалласида «Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **ЭРТАГА** Шайхонтоҳур туманида жойлашган 14-поликлника ҳамда «Янги-обод» маҳалласи ҳамкорлигида «Оила шифокори тизимига ўтишнинг аҳамияти» мавзусида уюштирилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари ва шифокорлар иштирок этишади.

● **КЕЧА** «Саноаталоқа» очик турдаги акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими томонидан «Инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг долзарб масалалари» мавзусида йиғилиш ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** давлат аграр университети талаба йиғитлари мазкур илм масканининг ўқув тажриба ишлаб чиқариш хўжалиқларида жўнаб кетишиди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Тошкентдаги Гольф-клубда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кубоги учун гольф бўйича биринчи очик халқаро чемпионат бўлиб ўтди. Мазкур тадбир бир йўла икки йирик сана - Ватанимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги ва Тошкент Гольф-клуби ташкил этилганининг 5 йиллигига бағишланди.

## ГОЛЬФ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Чемпионатнинг тантанали очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К.Тўлаганов мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда, бошқа соҳалар билан бир қаторда маҳаллий спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилётганини таъкидлади. Бундан беш йил муқаддам Тошкентда Роҳат кўли ёнида Президент Ислон Каримов ташаббуси билан Марказий Осиёда биринчи ва ягона

бўлган ҳамда жаҳон андозаларига тўла мос келувчи гольф-клуб очилди.

Гольф - Марказий Осиё минаткаси учун янги спорт туридир. Аммо шунга қарамай мазкур спорт турини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон тарихида биринчи гольф-клубнинг ташкил этилиши мамлакатимизнинг ўсиб бораётган нуфуздан далолат беради ва айни пайтда пойтахтимиз аҳолиси ва

## Қўшма корхоналарда



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «TUFIN» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар хили 150дан ортиб кетганлиги жамоа қандолатчиларининг бозор талабларидан келиб чиқиб иш юритаётганлиги, хорижий шериклар билан ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётганлиги натижасидир.

## СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Албатта, 1997 йилда 10 турдаги ширинликлар тайёрлаб иш бошлаган корхонада аввалига 40 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йилда ушбу рақам 4 миллиард сўмни ташкил этди. Ишчи-хизматчилар сафи эса кенгайиб, 25 нафардан мавсум давомида 1000 нафаргачани ташкил этмоқда.

Маҳсулот турларини кўпайтириш, шубҳасиз янги цехлар қурилиб ишга туширилганлиги, уларнинг хориждан келтирилган замонавий линиялар билан жиҳозланиши натижасида амалга ошмоқда. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган 11 та цехда Германия, Исроил, Англия давлатларидан келтирилган юксак унумли дастгоҳлар, хорижий ва маҳаллий сифатли хом ашёлар маҳсулот турларини кўпайтириш ва уларни бежирим, чиройли, харидор талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб қадоқлаш имконини беради. Энг муҳими эса айрим қадоқлаш ашёлари ҳам корхонанинг ўзидая тайёрланаётганидир.

Яқинда корхонада яна иккита янги—вафли ишлаб чиқариш ва қўти тайёрлаш цехлари иш бошлади. Бунинг натижасида жорий йилда янги турдаги вафли, «Фруджер», «Жонгинам», «Синди» каби шоколадлар тайёрланиб, савдо шохобчалари орқали харидорларга етказиб берилмоқда.

—Изданишларимиз натижасида мамлакатимиз ички бозорида ўз ўрнимизни топ-

дик,— дейди корхона директори Эркин Мусаев. —Шу билан биргаликда Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатла экспортини йўлга қўйганмиз.

Ҳамдўстлик давлатларидаги харидорларимизга ўтган йилда 71 миң долларлик ширинликлар етказиб бердик. Эндиги мақсадимиз эса хорижий давлатларга ҳам тайёрланаётган маҳсулотимизни экспорт қилишдир.

Корхона цехларининг кўпайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларининг ортиб бориши натижасида қўшимча ишчи уринлари яратилмоқда ёки йиғитқилар иш билан таъминланмоқда.Албатта, ишчи-ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда корхона мутасаддилари томонидан республикаимиздаги 1600 дан зиёд савдо шохобчалари, супермаркетлар билан шартномалар тузилган бўлиб, улар орқали аҳоли дастурхонини безовчи қандолат маҳсулотлари сифатида, рақобатбардошлиги ва қадоқланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ширинликлар жони-дили бўлиш болажонларимизга хилма-хил янги йил совғаларини тайёрлаш тараддуди ҳам бошлаб юборилди.

**Дилноза ФИЁСОВА**  
СУРАТЛАРДА: қадоқлаш цехларида иш кизиги;илгор қандолатчи Разиля Гильманова.  
Сергей Любич олган суратлар.

мехмонлари учун фаол маданий ҳордик чиқариш, жисмоний қобилиятларини ошириш, жаҳон миқёсидаги спорт тадбирларида қатнашиш учун аjoyиб имкониятдир. Бу ерда гольф учун 18 та майдон, теннис корти, сунъий сув ҳавзаси ва бошқалар мавжуд.

Халқаро чемпионатда Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, АҚШ, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардан 128 та иштирокчи қатнашди.

Турнир ғолиблигини С.Хэ Ёнг / Жанубий Корея/ кўлга киритди. ғолибга мукофот сифатида «Нексия» автомобили топширилди.

Тадбирда Тошкент шаҳри ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этди.

(ЎЗА)

## XXI саҳоси

Барча маъбалардаг олигган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Тошкент Олий умумкўшун кўмондонлари билим юртининг юздан ортик курсантлари тантанали қасамёд қабул қилишди.

● Андижон туманидаги А.Паттоев номли ширкат хўжалигининг Абдусаттор Курбонов раҳбарлигидаги пудратчилари Андижон вилоятида биринчи бўлиб давлатга «оқ олтин» топшириш бўйича шартнома-режасини бажардилар.

● Зангиота туманининг Акмал Икромов номдаги ширкат хўжалигида янги кишлоқ шифокорлик пункти фаолият бошлади. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган шифохонада терапия, гинекология, педиатрия, физиотерапия хоналари ва лаборатория мавжуд.

● Берунийлик фермер Мақсуд Йўлдошев туман халқ таълими бўлимига қарашли 56-мактабни ўз ҳомийлигига олди.

● Ёшлар ўртасида «Фарғона кубоги» халқаро теннис турнири ниҳоясига етди. Бир ҳафта давомида турнирда юрдошларимиздан ташқари Россия, Исроил, Ҳиндистон, Украина, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган 64 нафар иктидорли теннисчи ўзаро куч синишди.

### Жаҳонда

● Швейцария пойтахти Женевада Электр алоқаси халқаро уюшмасининг Бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтди. Унда қатнашган 143 мамлакатнинг 2300 дан ортик делегатлари радио алоқа регламентини такомиллаштириш, турли хил хизматлар учун қўшимча частоталар қўллаш масалаларини кўриб чиқишди.

● Тожикистондаги Федченко номидаги музликда янги метеорология станцияси бунёд этилди.

● 1988 йили Шотландиянинг Локерби шаҳри устида ҳаво кемасининг портлашига алоқадорлиги муносабати билан Ливияга нисбатан қўлланган халқаро санкциялар олиб ташланди.

● Португалияда давом этаётган кучли ўрмон ёнгинлари аҳоли турар жойларига ҳам яқинлашиб келмоқда. Португалия ўз қўшинларига ёрдам сўраб мурожаат этиши натижасида Испания ва Франция ушбу мамлакатга ўз авиатехникаларини юборди.

● Ҳиндистон космик агентлигининг раҳбари доктор К.Кастарианганинг айтишича, Ҳиндистон 2007 йили ойга ўзининг дастлабки экспедициясини юборади.

**Иқтисодий**

**ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА**

Табиий чармдан тайёрланган мавсумбон пойабзаллар шахримизда фаолият кўрсатаётган «Пойабзалчи» очик турдаги акциядорлик жамиятида тайёрланмоқда.

Ўтиш даври қийинчиликларини бошидан кечирган ушбу корхона бугунги кунда оёққа турмоқда. Жамоа ишчи-хизматчиларининг изланишлари ўз самарасини кўрсатиб, корхона цехларида сифатли ва чидамли оёқ кийимлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу ерда асосан болалар ва эркаклар учун мавсумбон пойабзаллар ишлаб чиқарилади.

Айни кунларда жамоа мутахассислари кузги-қишки мавсумга мослаб бир неча турдаги пойабзал моделларини яратишди. Уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ички бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлашга интилаётган пойабзалчилар жорий йилда 500 минг жуфтдан зиёд оёқ кийимлари тайёрлашни кўзда tutтишган.

**СИФАТГА ЭЪТИБОР**

Пойтахтимизда хусусий тадбиркорлар томонидан тайёрланаётган мебель маҳсулотлари дизайни ва бежиримлиги, сифати ва мустаҳкамлиги билан рақобатга чидамлидир.

Шайхонтохур туманида бир неча йилдан буён фаолият юритиб, хунари билан харидорлар дидига, бозор талабига асосан маҳсулот тайёрлаётган Жавохир Фуломхўжаев ана шундай хусусий тадбиркорлардандир. Болтиқбўйи давлатларидан келтирилган сифатли хом ашёдан ошхона, болалар ва хонадон йўлақлари учун мебеллар ишлаб чиқараётган хусусий тадбиркор бюртмага кўра янги-янги маҳсулот турларини яратмоқда.

— Ҳозирда тайёр маҳсулотларимиз пойтахтимиздаги 3 та мебель дўконларида шартнома асосида сотилмоқда, — дейди Жавохир Фуломхўжаев. — Келгусида эса фирма очишни, замонавий дастгоҳлар асосида рақобатбардош мебеллар тайёрлаб, аҳоли эҳтиёжини қондиришни режалаб турибмиз. Албатта, бунинг учун юртимизда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланиш кўзда тутилган.

**ДИҚҚАТГА САЗОВОР**

«Офсет-Принт» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган матбаа маҳсулотлари юкори сифати билан харидорларни қониқтирмоқда.

Бунинг асосий боиси корхонада нашр этилаётган китоб ва ишлаб чиқарилаётган фан ва ўқув дафтарлари энг сифатли хом ашёдан тайёрланапти. Айниса, фанлар бўйича тайёрланаётган умумий дафтарларда керакли қоида ва формулаларнинг борлиги харидорларга ҳам маъқул келмоқда.

Корхона тадбиркорларининг изланишлари натижасида тайёрланган «Ўзинг бўя», «Ўқи, ёдла, ёз» (Алифбе) китоблари нафақат болаларнинг, балки ота-оналарнинг ҳам эътиборини қозонди. Негаки, ушбу китобларни ҳам ўқиб, ҳам бўйаб, ҳам ибратли сўзларини ёд олган ўғил-қизларимизнинг билим доиралари кенгайди, улар мустақил мутоалага, изланишга ўрганади.

Дилноза ФИЁСОВА.

Шаҳримизда шундай бир маскан борки, йил ўн икки ой бу ерда баҳор таровати фуради. Манзарали дарахт кўчатлари, баҳору ёздан то кеч кузгача яшнаб турувчи турфа гуллар, кўм-кўк майсалар етиштириладиган ушбу гўшада 400 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Манзарали боғдорчилик ва гулчилик хўжалиги деб аталмиш жамоа ахлининг изланишлари, самарали фаолиятлари эвазига нафақат шахримиз, балки республикамиз вилоятлари ҳам яшил либосга, гулу-чечакларга бурканмоқда.

Жамоада тажрибали ва моҳир боғбонлар кўплаб топилди. Ана шундай боғбонлардан бири 25 йилдан буён хўжаликнинг 2-участкасида фаолият кўрсатаётган Кўчкор Ашировдир.

— Дарахт ва гуллар парваришига болаликдан меҳр қўйдим, — дейди Кўчкор Аширов. — Бунинг асосий боиси раҳматли отам Бозорбой Куролов уста боғбон эдилар. Шунинг учун ҳам улардан дарахт ва гул экиш, парваришлар сирасорларини ўргандим. Аввалига бундай ишларни ўз хўлимда, томоркамда амалга оширган бўлсам, кейинчалик хўжаликда меҳнат қилиб дарахт ва гул кўчатлари етиштиришга астойдил киришдим. Ота изидан бориб тўғри йўлга таянган эканман. Негаки, ишимни ўзига яраша гашти бор. Эккан ниҳолларинг кун сайн яшнаса, етиштирган гулларинг жойларга фойз бағишлаб очилиб турса меҳнатинг маҳсулидан дилинг яйрайди, одамларга ҳам завқ улашганингни ҳар

қадамда ҳис этасан. Ана шундай пайтда боғбонлик ва гулчилик сир-асорларини ўргатган устозларим Раҳмат Қудратов, Қобил Хўжамбердиевлардан чексиз миннатдор бўламан.

Ҳа, чиндан ҳам ўтган йиллар мобайнида Кўчкор Аширов жамоада ўсди, унди, уста боғбон бўлиб камол топди. Эндиликда унинг ўзи ёшларга боғбон-

бериш, озиклантириш юмушларини маромида амалга оширади. Шу боис бўлса керак у эккан ниҳоллар 2 йилда буй кўрсатиб, жойларга ўтказиш учун бюртмачиларга етказиб берилмоқда. Айрим ниҳоллар уруғидан кўқартирилса, баъзилари кўчат ҳолида экилади. Керак бўлганда эса жойларга қиқиб, олинган кўчатни қандай экиш, парваришлар сирларидан воқиф этилади.

Айни кунларда уста боғбон ер майдонларига сосна, мовий ель, манзарали дарахтлар кўчатларини, атиргулнинг анжелика, бургон, конкор навларини экиб парваришлармоқда.

— Ҳар бир боғбоннинг ўз усули бўлади, — дейди бўлим бошлиғи Ҳасан Саидқабаров. — Кўчкор Аширов ўрганган усулларидан самарали фойдалана олади. Шунинг учун бўлса керак у парваришлаган кўчатлар 90-95 фоиз гуркираб ўсади. Нафақат боғбон усули, балки меҳри ҳам мужассамлиги натижасидир бу.

Уста боғбон ҳаётида яқинда қувончли воқеа бўлди. У шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан Мустиқилнинг 12 йиллиги ҳамда Обод маҳалла йили муносабати билан ўтказилган кўрик-танловда «Энг яхши боғбон» номига сазовор бўлиб, қимматбох совға билан тақдирланди. Мукофотга муносиб бўлиш учун эса у янада яхши ишлашга, янги-янги манзарали дарахтлар, анвойи гуллар етиштиришга бел боғлади.

Шарифа ИЛЁСОВА

**ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ**

**НИҲОЛЛАРГА МЕҲР БАҒИШЛАБ**

Пойтахтимиз кўчалари, маҳаллалари, хиёбон ва боғлари сўлимчилигини оширишда, чиройини кўз-кўз қилишда турли манзарали дарахт ва ранг-баранг гулларнинг таровати бўлачқа. Уларни етиштириб боришда эса уста боғбон, нозик дидли гулчиларнинг хизматлари беқиёс.

ликдан сабоқ бермоқда. Ўғли Даврон Аширов, шогирдлари Зоир Йўлдошев, Бахтиёр Курбонов, Азим Бўрижоновлар унинг кўмагидан, маслаҳатларидан илҳомланиб ишлашмоқда.

Ҳозирда Кўчкор Аширов ўзига бир-китилган 5 гектардан ортиқ майдонда игна баргли манзарали дарахт (можельник), арча, сафора, шумтол, дуб, атиргул ва бошқа манзарали ниҳол ва гул кўчатларини парваришлармоқда. У ҳар бир ниҳолга алоҳида парвариш зарурлигини англаган ҳолда ўз вақтида чопиқ қилиш, қайчилаш, сув ва дори

ликдан сабоқ бермоқда. Ўғли Даврон Аширов, шогирдлари Зоир Йўлдошев, Бахтиёр Курбонов, Азим Бўрижоновлар унинг кўмагидан, маслаҳатларидан илҳомланиб ишлашмоқда.

Ҳозирда Кўчкор Аширов ўзига бир-китилган 5 гектардан ортиқ майдонда игна баргли манзарали дарахт (можельник), арча, сафора, шумтол, дуб, атиргул ва бошқа манзарали ниҳол ва гул кўчатларини парваришлармоқда. У ҳар бир ниҳолга алоҳида парвариш зарурлигини англаган ҳолда ўз вақтида чопиқ қилиш, қайчилаш, сув ва дори



**АНЖУМАНЛАР**

**СУВ КЕЛАЖАК УЧУН**

Республика Миллий матбуот марказида Халқаро чўчүк сув йили муносабати билан «Сув келажак учун» шиори остида ўтказилаётган экологик мавзуларда чоп этилган энг яхши мақола, радиоэшиттириш ҳамда телекўрсатувлар танловига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Мазкур танлов Республика Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Экосан» халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Ўзкомунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ташкил этилди.

— Кўрик-танлов сувдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни тарғиб этиш мақсадида жорий йилнинг март ойида эълон қилинган эди, — деди тадбирга сўзга чиққан жамғарма раиси Юсуф Шодиметов. — Сув захираларидан оқилона фойдаланиш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш замонамизнинг энг долзарб масаласига айланиб қолди. Дунё аҳолисининг олтидан бир қисми, яъни 1 миллиарддан зиёди чўчүк сув манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Халқаро сув хўжалиги институтининг маълумотига кўра, 2025 йилга бориб 5,5 миллиард аҳоли ичимлик суви танқислигини сезади. 1 миллиардга яқин киши ичим-

лик суви анча танқис бўлган мамлакатларда яшайди. Айни бир вақтда сувдан нотўғри фойдаланиш натижасида 50 фоиз ичимлик сувини ва сўғорилма ишлатиладиган сувнинг 60 фоизини йўқотиш жараёни рўй бермоқда.

Ю. Шодиметовнинг таъкидлашича, аҳоли ва бошқа сувдан фойдаланувчилар онгига сувга тежамкор муносабатда бўлишни сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёсдир. 2003 йил БМТ томонидан «Чўчүк сув йили» деб эълон қилиниши туфайли «Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан «Сув келажак учун» мавзусида республика кўрик танлови эълон қилинди. Айни вақтда танловга кўпгина ишлар келиб тушди. Лекин танловда журналистларнинг иштироки фаол даражада бўлмапти.

Тадбирда сўз олган мутасадди ташкилот вакиллари журналистларнинг бу муаммага янада чўқурроқ ёндашишларини, бу мавзуда кўпроқ танқидий таҳлилий мақола ва кўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар қилишлари зарурлигини эътироф этишди.

**ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ**

Тошкентдаги Абулқосим мадрасасида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Вашингтон университети Маданий тадқиқотлар ва диншунослик бўйича ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Тадбирда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг раиси Амиркул Каримов сўзга чиқиб, АҚШ билан мамлакатимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётган бир даврда нодавлат ташкилотлар иштироки муҳим ўринни эгаллаётганини айтди.

Кейинги пайтда жамғарма, ҳар икки мамлакат олимлари, фан ва маданият арбобларининг Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги маданий ва илмий ҳамкорлиги ривожига қўшаётган ҳиссаси ўз амалий натижаларини бермоқда. Хусусан, ўтган йили Вашингтон университети профессори Марк Рис «Олтин мерос» жамғармаси тақлифига биноан мамлакатимизга ташриф буюрди. У буюк меросимизни асраш борасида қилинаётган ишлар билан танишар экан, ўзбек романчилигига тамал тоши қўйган Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асарини инглиз тилига таржима қилиб, америкалик китобхонларга тақдим этишга бел боғлади.

— Улуг ўзбек халқининг бой маданий мероси, тарихий-сиёсий қудрати яққол намоён этилган «Ўткан кунлар» романини таржима қилаётганимдан ниҳоятда бахтиёрман, — деди Марк Рис «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Ўзбек романчилигига асос солган Абдулла Қодирий ижоди билан америкаликларни таништириш катта шараф, шу билан бирга катта масъулият ҳамдир. Ҳозирча мазкур асарнинг бир қисми инглиз тилига таржима қилинди, тез орада романининг тўлиқ таржимаси тайёр бўлади деб ўйлайман. Романдаги Юсуфбек ҳожининг Туркистон ҳақидаги ўй-фикрлари, гўзал Тошкент, Марғилон, Кўкюн хонлиги тасвирлари, ўша давр руҳи, тарихий, сиёсий воқеалар тафсилоти, асарни ўқиган ҳеч бир америкалики бефарқ қолдирмас керак. Мана шу асар орқали ватандошларим ўзбек халқи, унинг тарихи, урф-одатлари, табиати билан яқиндан танишадилар деб ўйлайман, — деди у сўхбат якунида.

Айтиш жоизки, Марк Рисга «Олтин мерос» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ходими Муқаддас Дўсматов яқиндан ёрдам бермоқда. Тадбирда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз юритилди. Бебаҳо маданий меросимиздан америкаликларни баҳраманд этиш мақсадида жамғарманинг АҚШда доимий фаолият кўрсатувчи амалий санъат кўргазмаси ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

«Туркистон-пресс»

## Маданият ҚИЗҚАРЛИ ТЎПЛАМ ЧОП ЭТИЛАДИ

Истиқлолимиз шарофати боис чет мамлакатлар билан фан, таълим, санъат ва адабиёт соҳаларида ўзаро ҳамкорлик, дўстлик алоқалари кун сайин ривожланиб, мустақамланиб бормоқда.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига Вашингтон университети профессори, Марказий Осиё тиллари ва маданияти Ёзги дастури раиси, туркшунос олима Илзахоним Сиртаутас ташриф буюрди. Олима аёл билан бўлиб ўтган давра суҳбатида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов хорижлик меҳмонга мустақилликдан кейинги даврда ўзбек адабиётида, маънавий ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар, ютуқлар, адабий алоқалар ҳақида сўзлаб берди.

Илзахоним ҳам ўз сўзида Америка ва Ўзбекистон ёзувчилари орасида алоқа боғлашда, икки халқ адабиёти тарихотида кўмак беришни ва дўстлик алоқаларининг мустақамланишига хайрихоҳлигини билдирди. Шуни айтиш жоизки, Илзахоним раҳбарлигида «Ўзбек кичик ҳикоялари» тўплами ўзбек ва инглиз тилларида нашрга тайёрланаёпти. Тўпладан Фафур Фулом, М. Осим, Ҳ.Ҳошимов, С.Аҳмад, М.Али, Ш.Ҳўрат, Ш.Бўтаев каби йигирма нафардан ортиқ адибларимизнинг кичик ҳикоялари ўрин олган. Шу билан бирга Илзахоним суҳбат чоғида ўзбек адиблари ижодидан алоҳида китоб тайёрлаш ниятида эканлигини ҳам айтиб ўтди.


Учрашувда Сирожиддин Сайид, Собир Ҳўнар, Муҳаммад Али, Минҳожиддин Мирзо сингари шоир ва ёзувчилар Ўзбекистон ва Америка ёзувчилари орасидаги алоқаларга оид ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

## ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Яқин кунларда Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Истеъдодлар» деб номланган симфоник концерт дастури бўлиб ўтади. Тадбирни Маданият ишлари вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорликда ўтказадилар.

Концертда «Санъат гунчалари» кўриқ-танлови ғолиби Ильнура Абдуллаева, кўпбал халқроқ танлов совриндори Бекзод Абдуллаев ва Берлиндаги Ганс Айслер номидаги олий мусиқа мактабидан бир қанча талабалар иштирок этиб, ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА



Шахримизнинг сўлим гўшалари.

Дарҳақиқат, биринчи тинглашдаёқ мухлисини ўзига ром эта оладиган бу биринчи ўзбек лирик комедияси опера санъатининг мумтоз асарлари сафидан муносиб ўрин олган.

... Саҳнада Ойхон (Ойхон ролида вокалистларнинг Республика танлови совриндори Саида Мамадалиева). У ўз севгилиси Чўпонни интизорлик билан кутмоқда-куйламоқда. Унинг тиниқ ва жарангдор колоратураси зални ўзига махлиё қилади, ижрочилик ва актёрлик маҳорати, дирижёр билан ҳамнафас ишлаши, қувноқ чехраси 16 ёшлик Ойхон персонажнини айнан ифода қила беради.

Комедиядаги комик персонаж — Мулладўст ролини Латиф Жўрабоев катта маҳорат билан ижро этади. Унинг вокал ва драматик маҳорати, костюми, грими, саҳнадаги барча ҳаракатлари асар муаллифларининг ўз олдига қўйган мақсадини ечади. Актёр мазкур ролни ўзидан олдин ижро этган артистларга, чунончи, Карим Зокировга ҳам тақдир қилмасдан мустақил яратган.

Спектаклдаги бош қаҳрамон Майсара, Чўпон, Қози ва Дарга ролларидаги ария, ансамбль каби опера формалари М.Оринбоева, халқ артисти Р.Латипов, М.Мелиев ва Ш.Фафуровлар ижросида анча таъсири чиққан.

Ушбу мулоҳазалар, албатта, ҳаваскор театр мухлисининг фикри. Ким қайси ролни қандай ижро этганлиги масаласи — бу театрнинг мусиқа раҳбари ва дирижёри, режиссёри, бадий кенгашининг иши. Лекин мен академик театрга келар эканман, академик ижрони истаб келаман, академик оркестрни, академик вокаль ва хорни, академик рақс ва академик саҳна безагини кўргани, уларнинг уйғунлашган ансамблидан баҳра оламан, деган мақсадда келаман... Бу ўринда мени 7 сентябрь куни ушбу театрга рус тилида намойиш этилган П.Масканьининг «Қишлоқ шарафи» операси қойил қолдирди. Унинг солистлари, ансамбль ва хорлари, оркестри, кўп сонли спектакль иштирокчилари икки кўринишдан иборат бўлган асарни бир нафасда ижро этиб ташладилар.

Умуман олганда «Майсаранинг иши» постановкаси менга ёқди, ун-

дан маънавий эҳтиёжим қониққандай бўлди. Кўнглим тўлмаган жойлари ҳам йўқ эмас. Масалан, декорацияларнинг залга яқин ўрнатилгани учунми, у вокаль ижрочиларининг овозларини ютиб қўяётганга ўхшайди.

Кўнглим тўлмаган яна бир масалага тўхталмоқчиман. Тингловчи

лимлари? Ёки бу каби тадбирларни уюштириб берадиган идора йўқмикан? «Ўзбектеатр», Маданият ишлари вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари бу ишни ташкиллаштириб беришса бўлмасмикан?

Театр катта ижодий ва молиявий машаққат чекиб саҳна асари яратди. У ўз ижодий асарини корхона-

## • МУШОҲАДА

## САРА АСАРЛАР КЎПАЙСИН

Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик катта театри бу йилги мавсумни атоқли ўзбек композитори Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» спектакли премьераси билан бошлади. Зални тўлдириб ўтирган опера шинавандалари спектаклдан мамнун эдилар. Бу тингловчиларнинг саҳнага қаратган эътиборларида, антрактлардаги суҳбатларида, томошадан кейинги кайфиятларида сезилиб турар эди.

ёки умумий тилда айтадиган бўлсак — томошабин хусусида. Премьера куни томошабинларнинг анчаси мактабгача ва мактаб ёшидаги болалардан иборат бўлиб, оналари билан бирга келган чақалоқлар ҳам бор эди. Томошабин таркиби стадионда фонограмма билан берилган концертга келганларга ўхшарди. Партер биринчи қаторининг анчаси болаларга берилган, улар спектакль пайтида гаплашар, югурар, дирижёр ва тингловчига ҳалақит беради.

«Қишлоқ шарафи»да эса бунинг акси: тингловчиларнинг таркиби ва уларнинг кайфияти тадбирга маънавий ва маийий жиҳатдан тайёргарлик кўриб келганликларини кўрсатиб турар эди.

Умуман айтганда, ҳар бир театрнинг ўз мухлиси бўлади. Мухлис дегани ижтимоий вазиятдан қатъи назар ўз сеvimли театрига, айниқса репертуари мумтоз асарлардан иборат бўлган театрга қадам ранжида қилиб туради. Ахир мумтоз асар у китобда, театрда, кўргазмада, бундан қатъи назар бир мартагина «истеъмол» қилинмайди. У қайта-қайта ўқилади, тингланади, кўрилади, сирасини айтиганда у бир умрга инсоннинг ҳамроҳи бўлиб қолади.

Таассуфки, «Майсаранинг иши» премьерасида театрга унинг мухлиси жуда кам эди. Бастакорлар, мусиқауносилар, театр ва мусиқа ташкилотчилари опера театрининг мухлиси эмасмикан? Консерватория ва бошқа санъат олий ва ўрта махсус ўқув юрларининг талаба ва муал-

лимлари кунни театр маъмурияти ўз мухлис-ларига профессор Вера Плунгнан қаламига мансуб «Сулаймон Юдаков замондошлари хотирасида» номли юқори даражада чоп этилган китобни ҳада қилди. Ўйлаймизки, муаллифнинг «Бритиш Американ Тобако Ўзбекистан» қўшма корхонаси хомийлигида яратган ушбу китоби атоқли бастакор Сулаймон Юдаков хотирасига қўйилган яна бир ҳайкал бўлиб хизмат қилади.

Премьера тугади. Ҳар ким ўз таассуроти билан театрдан чиқди. Театрнинг сентябрь ойи репертуари рекламасига назар ташлаймиз, унда машҳур опера ва балет асарлари. Улар ичида мустақиллигимизни мадҳ этувчи асарлар кўринмайди. Бастакорларимиз уларни ҳали ёзиб тугатишмаганим, тугатган бўлсалар ҳам партитура учун, мусиқа жамағамаси учун ёзилганими ёки театр труппаси имкониятларига мос келмайдими? Буниси номаълум...

Бекатда автобус кутиб турган бир гуруҳ ёшлардан бири «Ишқиде ёндим» ариясини хиргойи қилиб ёнидаги қизга хушомад қилар эди. Билсам, унинг биринчи марта «Майсаранинг иши»га тушиши экан, спектакль унга ёқибди. Азиз, ҳамшаҳарлар, шу каби сара асарларни кадрлашни ўрганайлик.

Фозил РЎЗИБЕКОВ,  
Тошкент шаҳар қасаба  
уюшмалари Кенгаши  
раисининг ўринбосари.

Янги ўқув йили олдидан ташкил этилган «Мактаб бозорларида ўқувчилар учун дарсликлар, қўлланмалар, турли дафтарлар, ёзув куроллари, айрим жойларда эса ўқувчилар формаларининг савдолари ташкил этилгани ота-оналарнинг айрим муаммоларини ҳал этишларини осонлаштирди.

Фарзандлари билан келган ота-оналар керакли дарслик, дафтарлар, адабиётларни харид қилишдан олдин раста-ларни кузатиб чиқар эканлар, баъзи ҳолларда ноқулай вазиятга тушганларининг гуви-воҳи бўлди. Масалан, хариддо айрим дафтарларнинг муқоваларидаги суратларни қўриши билан ҳайрон қолади. Туркиядан келтирилган дафтарларнинг муқоваларида аёллар, актрисаларнинг беҳаё суратлари босилган. Россияда чиқарилган дафтарларнинг муқоваларидаги расмлар билан қайси фанга ишлатилиши ёзиб қўйилган. Масалан, математика, химия, физика, биология ва бошқа фанларнинг номлари. Биринчи варағида ҳафтада шу фан бўйича қайси кунлари, нечанчи соатида дарс бўладиган жадвали учун жой ажратилган, охириги 3-4-варағида керакли формулалар, бирликлар, жадваллар ва охириги варағида эса кроссвордлар берилган.

Табиий фанлар учун яхши, аммо тарих фани дафтарларидаги маълумотлар фақат Россияга тааллуқли. Бу ёғи қандоқ бўлди?

Мактаб ўқувчилари, академик лицейлар, касб-хунар кол-

лежларининг, олий ўқув юрталари талабаларининг маънавиятига дафтарларнинг устидаги ярим яланғоч аёлларнинг беҳаё расмларининг салбий таъсири тўғрисида қўлаб эътирозлар билдирилмоқда. Бундай расмлар нафақат ёшларнинг маънавиятига,

—100 сўмлик дафтардан 10 та беринг,— дея хариддор сўраганда:

—2 тагина қолди, болангизга мана бу чиройли расмлигида олинг,—дея Қозғистондан олиб келинган дафтарни таклиф қилди Марказий универмаг қаторидаги китоб савдоси растасида савдо қилувчи сотувчи. Орадан кўп ўтмай китоб растасини кўриб қайтаётганимда ўша дўконда яна иккита 100 сўмлик дафтардан туририбди. Ҳайлиниб қолсан киши, нима сабабдан Ўзбекистонда чиқарилаётган дафтарларни суний равишда кам кўрсатиб, четдан келтирилган дафтарларни сотиб олишни тавсия қилишди?

Хозирги кунда Ўзбекистон босмахоналарида чиқарилаётган дафтарларнинг сифати-га бир оз эътибор берилса ва юқоридаги айтилгандай яшириб сотишлар йўқ бўлса, ота-оналарга ва ўқувчиларга осон бўларди.

Ақром АКМАЛОВ, Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент. Маҳмуд АЛИМОВ, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Ўқувчиларнинг ҳаёли бўлинмасин

Мулоҳаза

Муаммолар ечими изланди

Анжуманлар

Мафтункор ранглар жилоси

Тадбирлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

бўлмаса Ўзбекистон босмахоналарида ишланган биринчи синфлар учун дафтарларнинг нархи мактаб бозорларида 65 сўм, китоб дўконларида 100 сўм, Қозғистондан келтирилган муқоваси расмлиси 250 сўм.

—100 сўмлик дафтардан 10 та беринг,— дея хариддор сўраганда:

—2 тагина қолди, болангизга мана бу чиройли расмлигида олинг,—дея Қозғистондан олиб келинган дафтарни таклиф қилди Марказий универмаг қаторидаги китоб савдоси растасида савдо қилувчи сотувчи. Орадан кўп ўтмай китоб растасини кўриб қайтаётганимда ўша дўконда яна иккита 100 сўмлик дафтардан туририбди. Ҳайлиниб қолсан киши, нима сабабдан Ўзбекистонда чиқарилаётган дафтарларни суний равишда кам кўрсатиб, четдан келтирилган дафтарларни сотиб олишни тавсия қилишди?

Хозирги кунда Ўзбекистон босмахоналарида чиқарилаётган дафтарларнинг сифати-га бир оз эътибор берилса ва юқоридаги айтилгандай яшириб сотишлар йўқ бўлса, ота-оналарга ва ўқувчиларга осон бўларди.

Ақром АКМАЛОВ, Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент. Маҳмуд АЛИМОВ, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Ўқувчиларнинг ҳаёли бўлинмасин

Мулоҳаза

Муаммолар ечими изланди

Анжуманлар

Мафтункор ранглар жилоси

Тадбирлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

Хабарлар

# КИТОБ — БИЛИМ БУЛОҒИ

Маънавиятимизнинг юксалишида битмас-туганмас хазина бўлмиш китобнинг роли беҳиёс албатта. Китоб билим булоғи, илм қайроғи, деб бежиз айтилмаган.

Айни кунларда Республика-низи вилоятлари ва шаҳримиз кутубхоналарида 1 сентябрдан 20 сентябрга қадар энг фаол ва энг кўп китоб ўқийдиган болалар ўртасида «Болалар кутуб-хонасининг энг яхши китобхо-ни» —2003» республика кўрик-танлови бўлиб ўтмоқда. Уч гу-руҳда, яъни 1—4, 5—9 ва 9—11 синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган танлов якунида ғолиблар қасаба уюшмалари, маданият бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳарака-ти, «Соғлом авлод», «Болалар» жамғармалари ва Республика давлат болалар кутубхонаси рағбатлантирувчи совга-лари ҳамда мактаб ёрликлари билан тақдирландилар.

—23 сентябрда Республика давлат болалар кутубхонасида «Китобхон болалар — ривожла-наётган мамлакат» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтади, — дейди Республика давлат бо-лалар кутубхонасининг дирек-тори Фотима Бухарова.— Унда болалар ва уларнинг ота-онала-ри, кутубхона жамоатчилиги, маданият соҳаси, халқ таъли-ми ходимлари, болалар нашрлари муҳарририяти, на-ширлёт ходимлари, ҳокимлик вакиллари ва бошқалар ишти-рок этади. Ушбу давра суҳба-тида болалар китобхонлиги, китоб нашри билан боғлиқ му-аммоларнинг турли йўналиш-лари ҳақида суҳбат бўлиб ў-тади. 24 сентябрда эса «Болалар кутубхоналарининг янги дунё-си» мавзусида юқори синф ўқувчилари билан учрашув ўтказилади. Унда Республика

«Китобхон болалар — ривожла-наётган мамлакат» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтади, — дейди Республика давлат бо-лалар кутубхонасининг дирек-тори Фотима Бухарова.— Унда болалар ва уларнинг ота-онала-ри, кутубхона жамоатчилиги, маданият соҳаси, халқ таъли-ми ходимлари, болалар нашрлари муҳарририяти, на-ширлёт ходимлари, ҳокимлик вакиллари ва бошқалар ишти-рок этади. Ушбу давра суҳба-тида болалар китобхонлиги, китоб нашри билан боғлиқ му-аммоларнинг турли йўналиш-лари ҳақида суҳбат бўлиб ў-тади. 24 сентябрда эса «Болалар кутубхоналарининг янги дунё-си» мавзусида юқори синф ўқувчилари билан учрашув ўтказилади. Унда Республика

«Китобхон болалар — ривожла-наётган мамлакат» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтади, — дейди Республика давлат бо-лалар кутубхонасининг дирек-тори Фотима Бухарова.— Унда болалар ва уларнинг ота-онала-ри, кутубхона жамоатчилиги, маданият соҳаси, халқ таъли-ми ходимлари, болалар нашрлари муҳарририяти, на-ширлёт ходимлари, ҳокимлик вакиллари ва бошқалар ишти-рок этади. Ушбу давра суҳба-тида болалар китобхонлиги, китоб нашри билан боғлиқ му-аммоларнинг турли йўналиш-лари ҳақида суҳбат бўлиб ў-тади. 24 сентябрда эса «Болалар кутубхоналарининг янги дунё-си» мавзусида юқори синф ўқувчилари билан учрашув ўтказилади. Унда Республика

«Китобхон болалар — ривожла-наётган мамлакат» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтади, — дейди Республика давлат бо-лалар кутубхонасининг дирек-тори Фотима Бухарова.— Унда болалар ва уларнинг ота-онала-ри, кутубхона жамоатчилиги, маданият соҳаси, халқ таъли-ми ходимлари, болалар нашрлари муҳарририяти, на-ширлёт ходимлари, ҳокимлик вакиллари ва бошқалар ишти-рок этади. Ушбу давра суҳба-тида болалар китобхонлиги, китоб нашри билан боғлиқ му-аммоларнинг турли йўналиш-лари ҳақида суҳбат бўлиб ў-тади. 24 сентябрда эса «Болалар кутубхоналарининг янги дунё-си» мавзусида юқори синф ўқувчилари билан учрашув ўтказилади. Унда Республика

«Китобхон болалар — ривожла-наётган мамлакат» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтади, — дейди Республика давлат бо-лалар кутубхонасининг дирек-тори Фотима Бухарова.— Унда болалар ва уларнинг ота-онала-ри, кутубхона жамоатчилиги, маданият соҳаси, халқ таъли-ми ходимлари, болалар нашрлари муҳарририяти, на-ширлёт ходимлари, ҳокимлик вакиллари ва бошқалар ишти-рок этади. Ушбу давра суҳба-тида болалар китобхонлиги, китоб нашри билан боғлиқ му-аммоларнинг турли йўналиш-лари ҳақида суҳбат бўлиб ў-тади. 24 сентябрда эса «Болалар кутубхоналарининг янги дунё-си» мавзусида юқори синф ўқувчилари билан учрашув ўтказилади. Унда Республика

«Китобхон болалар — ривожла-наётган мамлакат» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтади, — дейди Республика давлат бо-лалар кутубхонасининг дирек-тори Фотима Бухарова.— Унда болалар ва уларнинг ота-онала-ри, кутубхона жамоатчилиги, маданият соҳаси, халқ таъли-ми ходимлари, болалар нашрлари муҳарририяти, на-ширлёт ходимлари, ҳокимлик вакиллари ва бошқалар ишти-рок этади. Ушбу давра суҳба-тида болалар китобхонлиги, китоб нашри билан боғлиқ му-аммоларнинг турли йўналиш-лари ҳақида суҳбат бўлиб ў-тади. 24 сентябрда эса «Болалар кутубхоналарининг янги дунё-си» мавзусида юқори синф ўқувчилари билан учрашув ўтказилади. Унда Республика

# «ТАФАККУР» ЖУРНАЛИ — МЕҲМОНИМИЗ

Яқинда «Тафаккур» ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журналининг навбатдаги сони босмадан чиқди. Журнал саҳифалари-ни варақлар экансиз, унда албатта қизиқарли мақолалар, ҳик-матлар ҳамда таниқли ёзувчиларнинг қаламига мансуб дoston ва хикоялар билан танишишигиз мумкин. Қуйида оқшомхонлар эъти-борига ушбу журналнинг учинчи сонидан ўрин олган айрим мате-риалларни ҳавола этмоқчимиз.

# МАФКУРА ВА МАЪНАВИЯТ ДИАЛЕКТИКАСИ

Оддийликдаги мураккаблик, мураккабликдаги оддийлик

Ҳаётда кўп нарса жуда оддий, содда. Лекин ё биз ўзимиз уни мураккаблаштириб юборамиз, ё шу оддийликнинг сирини англабмаганимиз-дан мураккаб қўчаларга кириб кетамиз. Мана, оддани олайлик: туғилди, яшайди ва бир кун келиб оламдан ўтади. Лекин, аввало, бир одданинг одам бўлиши чакана муаммони? Қолаверса, шу оддийгина туюлган туғилиш, яшаш ва бу дунё билан видолашиш мавзусида улма-ган жон қанчадан-қанча иссиқ-субуқни, қувончу тавишларини, роҳат-фароғатни азоб-изтиробни бош-дан кечирди! Демак олдимизда мураккаб туюлган ҳар бир нарса-ҳодисани соддалаштириб тушуниш, ҳар қандай оддийлик замирида мураккаб жараёнлар мавжудлигини англашдан иборат икки йўл тури-рибди.

# Оилани ким бошқаради?

Чиндан ҳам, оилани ким бошқаради? Агар шундай савол билан турли тоифа вакиллари-га мурожаат қилиб, ижтимоий сўровнома ўтказил-са, бир-бирига сира ўхшамаган антика жавоб-лар мажмуини қўлга киритсак керак. Тахминан мана бундай жавоблар олсак ажаб эмас: «Ота бошқаради». Тўғри, чунки Шарқда ота бошқармайдиган оиланинг аҳолини тасаввур қилиш қийин эмас. «Она бошқаради». Она бошқармаса, оила оила бўладими? Бошқарганда ҳам, шундай бо-шқарадики... «Катта ўғил бошқаради». Бунга ҳам етарлича далил топиш мумкин. «Катта қиз бошқаради». Бу ҳам хато эмас. Хуллас, жавобларнинг сони кўпайгандан кўпайиб бораверади. Ҳатто янги, почча бошқ-арадиган оилалар ҳам борлигини билиб оламиз. Бир нарса ҳақиқат: аслида, оилани ҳамма бошқаради, яъни бошқарувда ҳар кимнинг ўзи-га хос ўрни бор. Фақат ота-отага, она-онага та-аллуқли жиҳатдан бошқаради. Жамиятнинг кичик бўлаги бўлмиш оилада бошқарув шундай тақсимланган экан, жамиятни ким бошқаради?

# Жамиятни маънавият бошқаради

Маънавият ҳақида кеча ё бугун сўзлаётгани-миз йўқ. Келинг, яхшичи, гапни бу тушунчага илмий таъриф беришдан бошлай қолайлик. Маънавият — инсонни бошқа жонотлардан аж-ратиб, устун қилиб турадиган жамияти фазилат-лар мажмуи. Бу ерда «фазилатлар» ўрнига «ху-сусиятлар» сўзини ишлатиш мумкин эмас. Чун-ки «хусусиятлар» тушунчаси иккига — ҳам фа-зилатлар (яъни яхши хусусиятлар) ва ҳам ил-латларга (яъни ёмон хусусиятларга) бўлинади. Инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган шундай иллатлар ҳам борки, уларни маънавиятга эмас, аксинча, маънавиятсизликка киритишга тўғри келади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Кӣ ҳайвон бех вафосиз одамедин» деган ҳикмати эслай-лик. «Маънавият — инсоннинг ички маданияти», «Маънавият — илоҳий нур», «Маънавият — эзу-ликка ундовчи куч» деган таърифлар ҳам мав-жуд. Булар ҳам хато эмас. Бироқ уларга кўпроқ ифодали, бадий, яъни образли таъриф деб

# ХУРРИЯТ САБОҚЛАРИ

- Ҳамма эркин яшаш ҳуқуқига эга, бироқ ҳамма гап эркинликка муносиб яшашда.
- Ҳайвонлар ҳам эркин яшаш-га иштилади, аммо эркин яра-тувчанлик инсонгагина хос.
- Яратиб яшашга иштилай-диган халқ учун хуррият ҳам мутелиқидир.
- Озодликдан кейин озод-лик, хурликдан кейин хурлик излайдиган адаблари, фала-суфлари йўқ миллатнинг эркин яшашига ишончи қийин.
- Руҳингизни гаразли даъ-ват, ўткинчи шор ва сохта на-зариядан халос қилмагунча озод яшашингиз мумкинми?
- Масыулият ўз эркинлигини бошқалар эркинлиги билан му-вофиқлаштириб яшашга ундаб туради. Масыулиятсиз кишига берилган хурлик эса сўқир қўли-га тутқазилган чироққа ўхшай-ди.
- Хурликнинг ҳам ўз меъё-ри бор, у бошқаларнинг эрки-ни эътироф этишдан бошлана-ди. Меъёридан осган хурлик эса меъдага тегадиган асалга ўхшайди.
- Кишилар эркин ва хур яшаш учун фидойилик зарурлигини англаб етмаса, уларни эркин ва хур яшашга одилона қонунлар ҳам ўргата олмайд.
- Эркин англагандан кўра бурчини англаган инсон кўпроқ ҳурматга сазовор.
- Бошқаларнинг хурлиги учун ўз хурлигидан кечиб яша-ган эот эркинроқдир.
- Халқ эркинлиги давлат эр-кинлигидан ҳам улғурди.

Виктор АЛИМАСОВ

# Маънавият — акс кўзгуси



# ТАДБИРЛАР МАФТУНКОР РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Саҳоват ва меҳр-муруват қўришатиш халқимизга хос азалий одатлардан ҳисобланади. Айниқса ёрдамга муҳтож, кўнгли шикаста инсонларга яхшилик қилиш энг олижаноб ва савоб ишдир.

Чилонзор туманидаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Мафтункор ранглар жилоси» ва «Шеърят бўстони» мавзусида ташкил этилган тадбир ҳам ана шу мақсадга йўғрилди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирга Чилонзор туманидаги «Меҳрибонлик» Уза-ро ижтимоий ёрдам ногиронлар жамияти-нинг аъзолари, ижодкор ёшлар таклиф қилинди.

Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига ба-ғишлаб ўтказилган байрам тадбирида Фафур Фулом номидаги маданият ва ис-тироҳат боғи маъмурияти томонидан кўнгли ўқсик қалбларга шодлик ва қувонч улашиш мақсадида байрам дастурхони

безатилиб, ош тортилди. Шунингдек тад-бирда хомийлар — «Камолот» ёшлар иж-тимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан иқтидорли ногирон ёшларга совғалар топширилди. Шайхонтоҳур тум-анидаги Олим Хўжаев маҳалласи номидан байрам қатнашчиларига музайқмоқ ула-шилди. Тадбирда Республика ўқувчилар саройи доирачилар гуруҳининг чиқиш-лари, Ўзбекистон халқ артисти Хусан Ша-риповнинг ичакузди ҳангоналари, бадий ишчи ўринлар яратиш, корхоналар очиш, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий ёрдам бе-риш мақсадида изланиб, режали иш олиб бормоқда.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Фафур Фулом номи-даги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

# «ЎТГАН КУНЛАР» ДУНЁ КЕЗМОҚДА

Китоблар бор, ўқимасангиз ҳам ҳеч нарса йўқотмайсиз. Китоблар бор, ўқимасангиз унинг сеҳрли оламида оилаб, йиллаб сархуш, сар-маст бўлиб юрасиз. Буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асари неча ўн йиллардан бун халқ ардоғида, қалбида эъзозланиб келмоқда.

Яқинда халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Вашингтон уни-верситетининг Ўзбекистондаги маданий тадқиқотлар ва Диншунослик бўйича ҳамкорлик ташкилати та-шаббуси билан Абдулқосим мадрасасида «Ўтган кунлар» романининг инглиз тилига таржима қили-

нишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Китобни Вашингтон университети профессо-ри Марк Рис инглиз тилига таржима қилмоқда. Унга «Олтин мерос» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ходими Муқаддис Дўстматов яқиндан ёрдам бераётир. Кечада Уза-ро ҳамкорликини кенгайтиришга боғлиқ масалалар ҳақида сўз борди. Профессор Марк Рис ўз сўзида «Ўтган кунлар» асари инглиз тилига таржима қилиниб америка-ликларга тақдим этилса, уларга ўзбек халқи ру-ҳиятини англашда қўмак бериши мумкинлигини таъкидлади.

Яқин кунларда «Олтин мерос» жамғармаси бе-баҳо, нодир меросимиздан америкаликларни ба-ҳраманд этиш мақсадида Америка Қўшма Штатла-рида доимий фаолият юритадиган амалий санъат кўرғазмасини ўтказишни режалаштирмоқда.

(Ўз муҳбиримиз).

# АНЖУМАНЛАР

# МУАММОЛАР ЕЧИМИ ИЗЛАНДИ

Маънавият, маданият буюк халқнинг эртаси порлоқ, истиқболи ёрқин бўлади. Зеро, маънавият ва маърифат инсонларни эзгулик ва тараққиёт сари чорловчи нурли шуъладир. Шу шуъла боис инсон доимо изланиб, интилиб яшайди.

Яқинда Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод тумани бўлимида «Оила, мактаб, маҳалла ҳамкор-лиги» мавзусидаги семинар-тре-нинг бўлиб ўтди. Анжуманда ту-ман ҳудудига жойлашган 40 та мактабнинг «Маънавият ва маъ-рифат» бўйича директор ўринбо-сарлари иштирок этдилар.

Мазкур семинар «Оила, мак-таб, маҳалла ҳамкорлиги» кон-цепцияси бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар, уларни амалга оширишдаги тўсиқлар ва шу билан боғлиқ бўлган бошқа

муаммоларнинг ечимини из-лашга бағишланди.

Шунингдек семинарда бугун-ги кунда оммалашиб бораётган янги ахборот технологиялари-дан фойдаланилиб, юқорида қайд этилган масалалар билан боғлиқ муаммоларни ёритувчи анкета саволлари тўлдирилди. Бундан ташқари «Оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги» концепци-ясига асосланган янги кўрик-танлов Низоми эълон қилинди.

21-мактабнинг «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Мастура Азимова бугунги кун

## Мурда олам

### ЙИЛДА БИР МАРТА ХИСОБЛАЙДИ

Нигериянинг Ондо штатидаги Ово шаҳрида яшовчи Олабегги Олатеру исмли одам ҳақида билганлар беихтиёр «О!» деб юборишди. Олабегги 160 га яқин ўғил-қизнинг отаси. Фарзандлари сонининг ноаниқ айтилиши «суперота»нинг санокдан адашганиги учун эмас. «Мен фарзандларимнинг нечталигини аниқ айтишим мумкин, — дейди у, — «160 га яқин» деганимнинг боиси — бизда қадимдан оила аъзолари сонини аниқ айтмаслик одатиға риюя қиляпман.

«Логос лайф» ҳафтаномасида айтилишича, Олабеггининг катта ўғли ҳозир 50 ёшда, энг кичиги бир ярим ёшга кирди. Қариянинг энг кичик хотинини ёши эса 21 да.

Оила бошлиғи ҳар бир ўғил-қизининг исмлари ва юз тузилишини аниқ ажратади, аммо неваралари борасида муаммо йўқ эмас. Олабегги уларнинг нечта ва қачон дунёга келганлигини саноғига етолмайди, фақат ҳар йил охирида бир марта тўғил ҳисоб-китоб олади. Чолнинг айтишича, ҳозир «270 га яқин» киши уни ўз бобоси деб билади.

«Мен болаларни севаман», — дейди у. — Миллионер бўлолмайдим, аммо фарзандлар тарбиясиға ҳаммадан кўпроқ куч сарфлаганим билан мамлакат тарихиға киришим мумкин. Ҳозир ёшим 81 да бўлса ҳам, ҳар бир фарзандим учун оталарча ғамхўрлик қилишға қувватим етарли».

### КИНОДАН ЧАРЧАБДИ

Лондоннинг марказий кўчаларидан бирида одамлар машҳур Сильвестр Сталлоне кўлида белкурак билан, тер тўкиб ер қазийган ҳолатда кўрдилар. «Супер юлдуз» ўзининг навбатдаги «Голливуд сайёраси» ресторани пойдеворини кўйишда иштирок этаётганди. Бунгача киноактёр машҳур ҳамкасблари — Арнольд Шварцнегер ва Брюс Уиллислар билан биргаликда Лос Анжелесда худди шу номдаги ресторани очган эди. Мижозлар кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Сталлоне «темирни қизғида босишға қарор қилиб бошқа йирик шаҳарларда ҳам янги «сайёра»лар оча бошлади. Лондондаги ресторанға кирверишда кўзга энг аввало сарик рангли «Харлей» мотоцикли чалинади. (Бу Сталлоненинг «фирма белгиси» ва севили улови ҳисобланади). Сталлоне — тадбиркорнинг ишлари чакки эмас. Яқинда у Булапештада қиморхона (казино) қуришға киришди. Сценарий ва фильмлар ҳақида ўйлавериш чарчадим, — деди у, — машғулоти ўзгартириб туриш менимча фойдадан холи эмас».

Тошкент шаҳар ҳокимияти

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

Кўрик-танлов шартлари:

Кўрик-танловда Тошкентдаги корхоналар, уқув муассасалари ва пойтахт фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Сизнинг фантазиянгиз ажойиб гулзорлар, боғлар, майсазорлар, турли манзарали гулдӯворлар ва бошқа узига хос ландшафт ечилилари яратишға қодирми?

Кўрик-танлов иштирокчилари яратилган гулзорлар ва манзарали ўсимликларнинг фотосуратлари ва видеотасмаларни ташкилотчиларға 1 октябрғача тақдим этишлари зарур.

Ўзбекистон фотосуратчи ва видеотасмачи кўрғазми ҳафтама аъзолари томонидан қўрилган тақдир баҳолашди.

Маълумотлар ТТВ телеканали, «Пойтахт-информ» радиостанцияси, «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz

Тошкент шаҳар ҳокимияти, Камолот кўчаси, 14

Тел: 231-05, 133-38-03

## СЕВИМЛИ ШАҲРИМ

### ҚАДИМДАН ТИКЛАНГАН ДЎСТЛИК БОҚИЙДИР

Ўзбекистон Бадий академиясида республикамизда бўлиб ўтаётган «Корея Республикаси маданияти ҳафталиги» доирасида анъанавий мусаввирлар кўргазмаси очилди.

— Ўзбекистон ва Корея Республикалари тасвирий ва амалий санъат усталарининг маданият ҳафталиги доирасида ўтказилаётган кўргазмаси республикамиз маданий ҳаётида йирик воқеа бўлиб, икки давлат санъатида рўй бераётган янги, замонавий йўналиш ва изланишларни намоён этади, — деди Ўзбекистон Бадий академиясининг раиси Турсунали Кўзиев «Туркистон-пресс» мухбириға. — Биз билан бир заминда яшаб, ижод қилаётган корейс мусаввирларининг асарлари кўпмиллатли санъатимизнинг муҳим қисмини ташкил этади. Шин, Пак, Ли ва бошқа рассомлар сулолалари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам манзур ва машҳурдир. Улар Ўзбекистон санъати тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, Корея билан дўстлик алоқаларимиз замири қадимга бориб тақалади. Буюк ипак йўли орқали заминимизға корейс савдогарлари ўз молларини келтирган. Шу асосда алоқалар мустаҳкамлана борган. Урф-одатларимиз, яъни катта ва кичикка ҳурмат ҳамда иззат, ҳатто тиллардаги ўхшашликнинг мавжудлиги, шунингдек корейлик киноижодкорлар суратға туширган «Қалбим чечаги», «Қиш сонатаси» каби сериалларнинг халқимизға манзур бўлгани бунга ёрқин мисолдир.

Кўргазмадан миллий кийимлар, тарихий идишлар, қадимги кўлзма китоблар, миллий чолғу асбоблари, тўй либослари, рангтасвир асарлари ўрин олган.

— Ўзбекистонда яшаётган корейслар ўз тарихи, урф-одатларини сақлаб қолган, — деди Хорижий корейслар жамғармаси ижрочи директори Чонг Чол Хён. — Бундан жуда мамнунман. Бизнинг дўстлик алоқаларимиз қадимга бориб тақалади. Қадимдан тикланган дўстлик эса боқийдир.

«Туркистон-пресс»



### • МУРУВВАТ

## БОЛАЖОНЛАР УЧУН СПОРТ МАЖМУАСИ

Бугунги кунда болажонларимизнинг спорт билан шугулланишлари учун ҳукуратимиз томонидан кўплаб хайри ишлар амалға оширилмоқда. Айниқса етим ва ногирон болалар тарбияланаётган масканларда янги спорт комплексларини қуриб фойдаланишға топширишға алоҳида эътибор қаратилмақда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси тизимидаги Собир Раҳимов-туманида жойлашган 1-болалар Мурувват уйида бугунги кунда 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган 320 нафар ногирон болалар тарбияланмоқда.

Куни кеча ушбу даргоҳда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ва қизиқарли ўтказиш мақсадида қатор ҳомийларнинг саъй-ҳаракатлари билан барпо этилган спорт комплексининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Бадриддин Камолов тадбирни очар экан, мазкур спорт мажмуасини қуриш учун 38 миллион сўмдан зиёд маблағ ҳомийлар томонидан сарфланганини, шулар жумласидан, Ўзбекистон Ташқи иқтисодиёт фаолият банки 14 миллион, «Христос для народа» халқаро хайрия фонди 22 миллион, «Совластатал» қўшма корхонаси 1,5 миллион, «Шоштранс» акционерлик жамияти 500 минг, «Меҳржон» васийлик ташкилоти 1,5 миллион сўм миқдоридан маблағ ажратганигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, 1-Мурувват уйи директори Татьяна Саидова барча ҳомий ташкилотларға ташаккур билдириш билан бирга қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

— Масканимизда тарбия топаётган болалар, гарчи тиббий кўмакка муҳтож бўлсалар-да, бироқ билим олиш, спортға интилишда бошқа тенкурларидан сира қолишмайдилар. Тарбияланувчиларимиз орасида 1995 йили Америка Қўшма Штатларида, 1997 йили Канадада бўлиб ўтган ногиронларнинг махсус Олимпиада ўйинларида футбол, хоккей бўйича битта олтин, саккизта кумуш ва бир қанча бронза медалларини қўлга киритганлар бор.

Эндиликда болалар Мурувват уйи тарбияланувчилари спортнинг волейбол, баскетбол, теннис, энгил атлетика, мини футбол каби турлари билан шугулланиш имконига эга бўлдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА  
СУРАТЛАРДА: 1-болалар Мурувват уйида спорт мажмуасининг очилиш тадбиридан лавҳалар. Сергей Любчик олган суратлар.

## Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб  
Домо бўлур...

## Шайх Саъдий айтди:

• Тўғри йўлда юрган одам номусли, матонатли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади, ҳеч кимни алдамайди, тўғрилиқдан ажралмайди, тўғрилиқнинг энг улугъ фазилат эканини билади.

• Анушервон Одил бир кун ўз хизматчилари билан овга чиқди, кўпгина ҳайвонларни овладилар. Анушервон овланган ҳайвон гўшларини қабоб қилишга бузди. Туз йўқлиги учун бир хизматчисини чақирди:

— Шу яқин орадаги қишлоққа бориб туз келтир, лекин баҳосини тўлаб, эгасини рози қил, деб бузди.

Хизматчи таажжуб қилиб: — Арзиман нарса учун ҳам эгаси норози бўладими? Ҳаққини тўламай олаверасан эгаси нима зиён кўради? — деди.

Анушервон айтди: — Сўзинг тўғри эмас, чунки зулм, адолатсизлик мана шундай арзиман нарсдан бошланиб, зўрайиб кетади. Агар мен боғбоннинг бир олмасини арзиман нарса деб, баҳосини тўламай олиб есам, одамларим у олма дарахтини бутун илдизи билан суғуриб оладилар, ёки эгасидан сўрамай, ярим тухум олиб есам, одамларим мингта товукни сизга тортадилар. Мана шундай қилиб, зулм-адолатсизлик кучая бориб, ҳалоллик йўқолади. Бу эса халқ бошига қатта кулфат балосини ёғдиради.

• Дунёда ҳалол одамдан буюроқ зот йўқ.

• Ҳалол яшаганингни сезиб юрсанг ҳаёт нашьали ва ширин туюлади.

• Бир умрга бахтли бўлишни истасанг ҳалол одам бўл.

• Узини тия билган ҳалол одам олғир, учарларнинг бутун найраглари яққол кўриб туради.

**Байт:**  
Саҳий дема саховатиға,  
Бирор талаб кўйса гар одам.  
Саҳийликмас бу очкўз, баҳиллик,  
Бунда йўқдур шараф ва қарам.

• Ҳалоллик буюклик сари дастлабки қадамгина бўлиб қолмай, буюкликнинг айни ўзидир.

Бир донишманднинг ўз фарзандига қилган насиҳатлари:

1. Эй ўғил, ҳаётда муваффақият қозониш, жисман ва руҳан мукамал бўлиш учун ҳалол бўл, меҳнатни сев. Ҳалол меҳнат қилган одам икки дунёда кам бўлмайди.

2. Ялқовликдан узоқлаш. Файратли бўл. Вужудингни ҳаракатга бағишла. Тинма, тириш, олға бос.

3. Эҳтиёт бўл. Ҳамма ишингда тартиб ва интизомга риоя қил.

4. Сенга жамият томонидан топширилган вазифани тўғрилик ила бекам кўст адо қил.

5. Ҳақиқатни сев, юриш-туришингда содда ва табиий йўлни тут.

6. Самимий, пок қалбли, виждонли ва ҳақшунос бўл.

7. Қаноатли, ҳаммага меҳрибон ва ғамхўр бўл.

8. Тўғрилик ва шижоатни ўзингга шир қилиб ол.

9. Шараф ва номусингга доғ тушириш эҳтимоли бўлган ҳар турли завқ ва сафодан кеч.

10. Гўзал ахлоқнинг матонати, хиссиётнинг олижаноблиги билан вужудингга сийҳат ва латофат бағишла.

Сўқрот Ҳаким айтди:

— Ҳалол меҳнат, муҳтожларга ёрдам, ғазаб вақтида ёмон сўзлардан тилни, бировни ранжитишдан қўлни тийиш, камчиликни битириб, ёмон хулқ-атвори ни тузатиб, гўзал ахлоқ эгаси бўлиш энг зўр фазилатдир.

Чилонзор даҳаси, 21-мавзе, 11-уй 68-хонадонда яшовчи Жарқинова Иноят Ҳақимовна номига Бирлигимиз 1992 йил 18 декабрдаги 01-01/313-сонли Давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ФУТБОЛ

## Муҳим уч очко

Мамлакат XII миллий чемпионатининг 23-тур беллашувлари «Пахтакор» жамоаси футболчиларига омад келтирди. Чунки Фарғонада «Нефтич» жамоаси билан куч синашган тошкентлик футболчилар майдонда уюшқоқлик билан ҳаракат қилишиб, муросасиз, ҳужумкор ва кескин курашларга бой кечган беллашуви 2:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қила олишди. Шунинг таъкидлаш жоизки, Фарғонада эришилган бу ғалаба «Пахтакор»нинг чемпионлик сари дадил одим ташлаётганлигидан дарак беради. Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Трактор» ҳам «Цементчи»ни ўз майдонида 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб муҳим очколарни қўлга киритди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Насаф» — «Кизилкум» 2:1, «Бухоро» — «Гулистон» 3:0, «Кўқон-1912» — «Металлург» 4:0, «Навбахор» — «Сурхон» 2:1, «Трактор» — «Цементчи» 3:0, «Самарқанд-Динамо» — «Дўстлик» 3:0. Навбатдаги 24-тур баҳслари 20 сентябрда ўтказилади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ.

Ўзбекистонликларнинг  
икки олтин медали

Якшанба кuni кечкурун эркалар орасида эркин кураш бўйича 2003 йил жаҳон чемпионати ўз ниҳоясига етди.

Уч кун давомида Нью-Йоркнинг энг йирик спорт аренаси — «Медисон сквер гарден» муҳлислар билан тўла бўлди.

Америкалик ташкилотчиларнинг сўзларига қараганда муСОбақада 32 давлат вакиллари иштирок этди.

Чемпионат 2004 йилнинг ёзида Греция пойтахтида бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига саралашнинг асосий босқичи бўлди.

Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш учун Нью-Йоркда ҳар бир вазн тоифасида энг яхши спортчилар унингга кириш зарур эди.

Шу боис жаҳон чемпионатида энгил рақиблар бўлмади. Финал босқичига иккита Ўзбекистон Республикаси вакили келди. 55 килограммгача вазн тоифасида Дилшод Мансуров молдавиялик Геннадий Тулбей устидан ғалаба қозонди, оғир вазнда эса юрдошимиз Артур Таймазов амери-



калик Керри Макком билан курашиб, 4:1 ҳисобида устун чиқди ва 2003 йил жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Дилшод Мансуров ва Артур Таймазов туфайли «Медисон сквер гарден» залида икки маротаба Ўзбекистон Республикаси гимни янгради ва минглаб томошабинлар мамлакатимиз байроғи кўтарилишини тик туриб олишладилар.

Б. МАМАЖОНОВ,  
«Жаҳон»АА,  
Нью-Йорк.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ДИҚҚАТ, ОБУНА 2004!!!

2003 йил 10 сентябрдан Тошкент шаҳар почта алоқа бўлимларида 2004 йилга Республика ва Россия Федерацияси даврий нашрларига обунга бошланди.

Ўзингиз севиб ўқийдиган нашрларга обунани расмийлаштиришга шошилинг!  
Обунани расмийлаштириш бўйича Сизни қизиқтирган саволлар бўлса, «Тошкент почтамати» ОТАЖга кўнғироқ қилинг.

Телефон: 133-47-49, 133-73-56.

## ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси

2003 йилнинг 17, 24, 31 октябрь кунлари ким ошди савдоларини ўтказди

Савдоларга — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик темир йўл компаниясининг Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанциясига қарашли Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 33/1-уйда жойлашган бинонинг майдони 116,0 квадрат метрга тенг бўлган қисми 3 971 243 сўм, бошланғич нарх билан қўйилади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.

Ким ошди савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридидаги закатат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамгармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000080423151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А» уй.

Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2003 йил 12 сентябрь кuni ўтказилган аукцион савдоларида:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Улугбек кўчасида жойлашган, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси ва автосалон куриш учун мўлжалланган, сатхи 0,08 га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқининг 11 300 000 сўмга;

Тугатилаётган «2-ихтисослашган механизация бошқармаси» ОАЖга қарашли 1990 йилда ишлаб чиқарилган ЭО-5124 русумли экскаваторнинг 8 300 000 сўмга ҳамда ушбу жамиятга қарашли 1989 йилда ишлаб чиқарилган КБ 403153 русумли минорали краннинг 4 400 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

**Спорт**

**Фарзандлари соғлом юрт...**

Маънан етук, жисмонан соғлом фарзандларни вояга етказиш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир худудида катта ишлар амалга оширилаётгани қувонarli ҳол. Болалар ва ўсмирлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлашишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Сергели туманида жойлашган 300, 302-мактабларда 6 хил спорт тўғрақлари мунтазам фаолият кўрсатиб келаётганлиги, уларнинг аъзолари волейбол, футбол, теннис, баскетбол, бадий гимнастика сирларини ўзлаштираётганлари боис ҳам шу кунгача ўтказилган нуфузли турнирларда олтин медаллари кўлга киритишди. Қувонarli жиҳати, яқиндагина ушбу мактабларда Истиклол байрамига тўёна сифатида бунёдкорлар томонидан барпо этилган волейбол, футбол майдончалари фаолият бошлади. Дарвоқе, мавжуд бўлган теннис, баскетбол, бадий гимнастика заллари барча қулайликларга эга, замонавий тарзда қайта таъмирланди. Жисмоний тарбия ва спорт ривожини йўлида қилинаётган ушбу хайрли ишлар келажакда албатта ўз самарасини беради.

**Талабаларга махсус стипендия**

Истиклол шарофати туфайли мамлакатимизда олимпияда уйинларидан ўрин олган спорт турларини ривожлантиришга жиддий эътибор берилётгани қувонarliдир. Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари коллежида 700 талаба спортнинг турли йўналишларини пухта ўзлаштириш мақсадида тахсил олади. Келажакда мазкур илм масканининг ёш, умидли тарбияланувчиларини рағбатлантириш, уларнинг етук спортчилар бўлиб етиштиларини таъминлашга ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Республика олимпия захиралари коллежининг иқтидорли талабаларига махсус стипендия тайинлади. Кун кеча Ўзбекистон Давлат миллий олимпия қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда бу ҳақда маълум қилинди.

**Полвонлар гиламга тушишди**

Миллий қадриятларимизни ўзиде акс эттирувчи спорт тури — ўзбек кураши истиклол туфайли ана ўз қадрига эга бўлди. Пойтахтимизда спорт мутасаддилари, ўзбек кураши мутахассислари ва ёш полвонлар иштирокида ўтказилган тадбир ҳамда полвонлар беллашуви курашининг жаҳонда танилган санасига бағишланди. Фолиблик учун гиламга тушиб ўз маҳоратларини намойиш этган ёш полвонларнинг ўзаро баҳслари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Турнир якунида эса фолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совгалари тухфа этилди.

**Акбар Йўлдошев.**

**ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР**

**Хаво лорсиллаб, оташидан тушган тандир ёқасида тургандек, қайноқ ҳарорати уфуриб турган пайтда муздек тарвузни каржлаб ёхуд коса қилиб «нимталаб» ейилса, хузурбахшлигини таърифлаб бериш қийин.**

Довруғи баланд, шираси тилни ўртайдиган кўзивой, хайитқора, чинни, беҳасам белбоғ тарвузларни кўмсайдиган кунлар келди, шекилли.

Тарвузнинг шифобахшлигини эслатиб ўтайликми? Тарвуз анъанавий халқ табибатида истиско ва сариқ касаллиги билан оғриган беморларга тавсия қилинади. Ундан ўт ва пешоб ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади.

«Асрлар донолиги» китобида келтирилган маълумотларга қараганда, тарвуз ортиқча иссиқликдан ҳосил бўладиган (кўшнинг тигиз иссиқлигида, сафарда бўлганда) безгакка фойдали ҳисобланади. Шунингдек тарвуз жигарга ижобий таъсир кўрсатади, қонни суялтиради ва маромга солади. Тарвуз савдолдан келиб чиқадиган касалликларга фойдали ҳисобланади.

Бунинг учун уни сут билан истеъмол қилиш лозим кўрилади.

Халқ табибатида тарвузнинг қуритилган пўчоқларидан тайёрланган дамлама йўғон ичакнинг яллиғлигини даволашда ижобий натижа беради. Тўла одамнинг озишига мойиллик яратади.

Халқ табибатида тарвуз парижонхотирликда, никриз касаллигида, бўғимларнинг яллиғлигида (артрит) фойдали неъмат ҳисобланади. Тарвуз уруғ мағизларининг сут билан эзилмаси бачадондан бемаруд келувчи қонни тўхтатувчи беозор омил ҳисобланади. Шунингдек тарвуз уруғларидан гижжа туширувчи беорат восита сифатида ҳам фойдаланилади.

Тарвуз илмий тиббиётда бир қатор хасталиклари даволашда тавсия этилади.

Тарвуз шарбатининг ўт пу-

фаги, буйрак ҳамда қовқуддаги майда тош ва кумларни нуратиш ҳамда чиқариб ташлаш хусусиятига эғалиги аниқланган. Тарвузда қанд фруктоза кўринишида бўлганлиги сабабли, уни диабет билан оғриган беморлар истеъмол қилишлари мумкин. Юрак ҳамда буйрак касалликлари билан оғриган беморларнинг бадани салқинида тарвуз тавсия қилинади. Тарвуз шарбати жигар тўқималарини енгил сингидиган қанд моддалари билан таъминлайди. Тарвузнинг таркибида фолат кислотаси борлиги унинг шифобахшлик даражасини янада оширади. У организмда ҳолин ҳосил бўлишида бевосита қатнашади. Ҳолин моддаси жигар фаолиятини яхшилаб, аъзода ёғ алмашинувиге ижобий таъсир кўрсатади.

Тарвуз таркибида салмоқли микдорда клетчатка бўлиши туфайли, у ичакнинг тўлқинсимон ҳаракатини (перистальтика) уйғунлаштиради, овқатнинг ҳазм бўлишини яхшилайдиган ҳамда орга-

низмдан холестериннинг чиқиб кетишига сабабчи бўлади.

Тарвуз парҳез неъмат сифатида жигар, ўт пуфаги, буйрак ва сийдик ажратувчи йўллар касаллигида, шунингдек анемия касаллигида тавсия этилади. Беғубор қовун-тарвузлар фақат дастурхонимиз кўрки бўлибгина қолмасдан, балки талай шифолар хазинасидир. Айтишларига қараганда, тарвузларни суйиб истеъмол қилувчиларда фаромушхотирликдан шарпа бўлмас экан.

Кези келганида шун қайд этиб ўтиш лозимки, Бозорўчардан тарвуз харид этиладиган гиламга тарвуз неъматлар эгасидан тарвузни сотишга ижозат берилмаган кафолатномани сўраш эсингиздан чиқмасин. Чунки маданий ўғитлардан бўлмиш селитрага бўктирилган полиз махсулотлари асали билан сизни ёлчитмасдан, пулга сотиб олинган касали билан сизни жабрлаб қўйиши ҳам мумкин.

**Маннон НАБИЕВ, доришунос.**

**ТАРВУЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ**

**• АСКИЯЧИЛАР ҲАЁТИДАН**

**АҚЛ ТИШИ**

Улфатлар даврасида Жўра ота Абдурахмон акадан сўради:

— Илгари гапларинг бамаъни, юриш-туришинг жойида, ўзинг босиқ йигит эдинг.

Нега энди ёшинг улғайганда пойинтар-сойинтар гапирадиган ва бачқана қилиқли бўлиб қолдинг?

Бу саволга Абдурахмон акадан аввал Қаяом ака жавоб берди:

— Бунинг сабаби оддий, яқинда у ақл тишини олдириб ташлади.

**ҚИМИЗНИНГ ХОСИЯТИ**

Хонадон соҳиби «гап»га йиғилган улфатлар учун бир чиприт қимиз келтириб қўйди.

Қоньякни хуш кўрадиган Қаяом аканинг энсаси қотиб, жўрабодидан сўради:

— Нима бу?  
— Қимиз  
— Хўш, қимизнинг қандай хосияти бор?

— Қимиз — ошқозонга дори, иштахани очади, энг муҳими, юз терисини таранглаштириб, инсонга чирой бахш этади.

— Қимиз билан инсон чиройли бўлса, хотинларнинг ҳаммаси аллақачон хурлиқо бўлиб кетар эди.

**ОДАМ ТЎЛИШАДИ-ДА**

Сочида дам олиб қайтган Фиёс ака келган кунидеқ дўстлари даврасига ошиқди. У чойхонага кириши билан ҳанг-манг бўлиб қолган улфатлар бир-бирига гал бермай гап бошладилар:

— Ёмон кўздан сақласин, отпус-

ка ёқибди!

— Тўлишиб, ёшариб кетибсан!

— Юзларинг анор-а, анор!

— Йигирма килограмм семир-

гандирсан?

— Эшиқдан қандай сиғдинг?

Сўхбатга Қаяом ака яқун ясади:


— Фиёс бир жойга борса, оила-

ни бутунлай эсидан чиқаради.

Оёқ-қўл меъёрида ишлаб, кал-

ла ишламагандан кейин одам се-

миради-да.



Сўзсиз сурат. Абдураасул ҲАКИМОВ чизган расм.

*Сўзлаган эдингиз...*

**СЕМИЗЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

**Ўзим ёш бўлишимга қарамай ҳаддан ташқари семирим кетяман. Овқатдан парҳез қилсам ҳам нафи бўлмаяпти. Халқ табибати бўйича семизликнинг олдини олиш учун нималарга риоя қилиш кераклиги ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.**

**Марям Худойназарова, хизматчи.**

Ортиқча семизлик инсон организм учун ўта нохуш вазиятларни келтириб чиқаради. Шу сабабли семирим кетмасликни истаган кишиларга қуйидаги тартибда парҳез қилишни ва доимо вазини назорат қилиб боришни тавсия эта-

миз. Семирим кетмаслик учун арпа нон, қарам, сабзи, қовоқ, сут, қатиқ, пишлоқ каби махсулотларни кўпроқ мол ёғи, қўй ёғи, товуқ ёғини қамроқ, истеъмол этиш керак. Бир ойда икки кун овқат емаслик ёки ўша кунлари 1,5 килограмм олмани бешга бўлиб истеъмол қилиш зарур. Бундан ташқари, бир ярим литр сут ёки қатиқни олтига бўлиб ичиб ҳам парҳез қилиш мумкин. Бир кун мобайнида 600 грамм турли хил мева шарбатлари 800 грамм наъматак шарбатига аралаштириб ичилади. Бун беш марта такрорласа фойда беради.

Шунингдек, ҳар кун кунгабоқар, маккажўҳори ва пахта ёғида тайёрланган овқатларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Парҳез даврида умуман гўшт, балиқ, аччиқ ва шўр нарсалар, қовурилган, дудланган таомлар, қолбасалар емаслик керак.

Таркибида калий ва кальций кўпроқ бўлган меваларни, денгиз қарами, ўрик, олхўри, қартошка, сули ва гречка, сабзи, қарам, лимон, петрушка ва укроп истеъмол этиш ва бир кун давомида бир ярим литр суюқлик истеъмол қилиш тавсия этилади. Бир кунда оз-оздан беш маҳал овқатланиш керак. Бирданига кўп овқат емаслик лозим. Ётиш олтидан бир стакан қатиқ ёки сут ичиш ҳам фойдалидир.



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълолар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажим — 2 босма табоқ офсет ускули босилади. 3871 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатта

Нашрни етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардан почта бўлимларига ёки «Тошкент почтабинья» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийет-матбаа ишкордорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Тўро» кўчаси, 41-уй.